

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

“Э ва ИЧАКТ ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ЭЛЕКТРОТЕХНИКА” КАФЕДРАСИ

**«Шофиркон пилла» ОАЖ да электр энергиясини тежаш ва
самарадорлигини ошириш.**

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

Abdullayeva Nafisa


Рахбар:

Бухоро-2016

**«Шофиркон пилла» ОАЖ да электр энергиясини тежаш ва
самарадорлигини ошириш.**

1-жадвал

№	Цехнинг номи	Рўр, кВт	Кт, -	Ишончлилик категорияси	Мухит Тавсифи
1.	Саралаш цехи	120	0,82	II	Мейёрий
2.	Қайта ўраш цехи	110	0,83	II	Мейёрий
3.	Темирчилик устахонаси	140	0,85	II	Мейёрий
4.	Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи	80	0,5	II	Мейёрий
5.	Қозонхона	75	0,6	II	Мейёрий
6.	Ипак йигирув цехи	170	0,82	II	Мейёрий
7.	Омбор	15	0,7	III	Мейёрий
8.	Маъмурият биноси	30	0.76	III	Мейёрий



***КИРИШ.**

Бутун дунёда энергия ресурсларнинг нархини ошиб бориши ва Республикамизда маҳсулот бирлигига сарфланаётган электр энергиясини ривожланган давлатлардагига нисбатан бир неча марта кўп экани рақобатбардош маҳсулот чиқаришни қийинлаштирмоқда. Ишлаб чиқариш замонавий хорижий технологик ускуналар асосида модернизация қилинмоқда. Энергия ресурсларни қувватини оширишдан кўра энергия тежамкор тадбирлар орқали энергиядан рационал фойдаланиш бир неча марта самарадор экани маълум. Бу эса ўз навбатида саноат корхоналарининг мавжуд электр таъминоти тизимини энергия тежамкорлик нуктаи назаридан тадқиқотлар ўтказиш ва реконструкциялашни тақозо этади. Бундай тадқиқотлар ўз навбатида юқори малакали тадқиқодчилар гуруҳини ва салмоқли харажатларни талаб этади. Юқори малакали кадрлар тайерлашда, малакавий битирув иши укув жараенининг яқунловчи боскичи булиб, олинган назарий билимлар саноат корхоналарида қўлланиб такомиллашган электр таъминоти тизимини яратишга қаратилгандир. Энергия ресурсларни қувватини оширишдан кўра энергия тежамкор тадбирлар орқали энергиядан рационал фойдаланиш бир неча марта самарадор экани маълум. Бу эса ўз навбатида саноат корхоналарининг мавжуд электр таъминоти тизимини энергия тежамкорлик нуктаи назаридан тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Мустақиллик йилларида Республикамизда замонавий хорижий технологик ускуналарга эга бўлган қўшма корхоналар кўплаб ишга туширилди. Кафедрада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар замонавий технологияга эга бўлган корхоналарни электр таъминоти тизимини таҳлил этишга алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ушбу корхонанинг электр таъминоти тизими малакавий битирув иши мавзуси қилиб олинди.[1]

Битирув малакавий ишида (БМИ) электроэнергетика масалаларининг тўларок камраб олишга қаратилган. БМИ да электр подстанцияларни, электр тармоқларни ва саноат корхоналари электр таъминоти тизимининг бир неча боскичини лойиҳалаш кўриб чиқилган. Бу эса бўлажак энергетикларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Чунки электр энергиясини таксимлаш, узатиш ва электр энергиясини узлуксиз таъминлашда асосий масалаларни ўз ичига олган.

Биз келгуси амалий фаолиятимизда асосан БМИда кўриб чиқиладиган масалалари билан кўп тўкнаш келамиз. Шунинг учун БМИни бажаришда олган билимларимизни келажакда қўллашимиз аниқ. Бу эса бизни мутахассис бўлиб шаклланишимизда катта аҳамиятга эга. Биз келгусида етук мутахассис кадр бўлиб Республикамиз равнакига ўз хиссамизни қўшамиз деб ишонамиз ва ўз устозларимиз ишончларини оқлаймиз.

*КОРХОНА ЭЛЕКТР ЮКЛАМАЛАРИНИ ХИСОБЛАШ.

Битирув малакавий ишимнинг электр кисми хисоблашлари истеъмолчиларни юкламаларини аниклашдан бошланади. Берилган тоширикга кура маълумотномадан корхона сохасига ва цехларни турига караб цехларнинг талаб коэффицентлари (K_T) хамда кувват коэффицентлари ($\cos \varphi$) аникланади. Олинган маълумотларни куйидаги 1-жадвалга киритамиз.

1-жадвал

№	Цехнинг номи	$P_{\text{ўр}}$, кВт	K_T , -	$\cos \varphi$
1.	Маъмурият биноси	45	0.7	0,95
2.	Лаборатория биноси	40	0,6	0,8

Истеъмолчиларни юкламасини талаб коэффиценти усулида хисоблаймиз.

Хисобий актив юклама куйидаги ифодадан аникланади:

$$P_{\text{хис}} = P_{\text{ўр}} \cdot K_m = 45 \cdot 0,7 = 31,5 \text{ кВт}$$

бу ерда $P_{\text{ўр}}$ - цехнинг урнатилган куввати, кВт

Хисобий реактив юклама:

$$Q_{\text{хис}} = P_{\text{хис}} \cdot \operatorname{tg} \varphi;$$

Кувват коэффиценти кийматидан $\sin \varphi$ ни аниклаймиз:

$$\sin \varphi = \sqrt{1 - \cos^2 \varphi};$$

Истемолчиларнинг табиий $\operatorname{tg} \varphi_m$ ни топамиз:

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{\sin \varphi}{\cos \varphi};$$

Истемолчиларни реактив куввати:

Колган истеъмолчилар учун хисоблашлар шу тарзда бажарилади ва олинган натижаларни куйидаги 3-жадвалга киритамиз.

Еритишнинг хисобий юкламаси бирлик юзага сарфланадиган еритиш куввати оркали хисобланади. Яъни:

$$P_{\text{ёр}} = P_0 \cdot F_{\text{ц}};$$

бу ерда $F = a \cdot b$ - цехнинг еритиладиган майдони, м²;

P_0 - 1 м² еритиладиган юзага тугри келадиган кувват, Вт/м²

Цехнинг умумий хисобий юкламаси технологик ускуналарнинг ва еритиш ускуналарининг хисобий кувватларининг йигиндиси оркали хисобланади. Яъни:

$$P_{\Sigma} = P_{\text{хис}} + P_{\text{ёр}};$$

Цехнинг умумий реактив куввати:

$$Q_{\Sigma} = Q_{\text{хис}} + Q_{\text{ёр}};$$

Цехнинг умумий тула куввати:

$$S_{\Sigma} = \sqrt{P_{\Sigma}^2 + Q_{\Sigma}^2};$$

Хисоблашларни Маъмурият биноси мисолида бажариб натижаларни 2-жадвалга киритамиз.

Электр юкламаларни талаб коэффициенти усулида хисоблаймиз
Маъмурият биноси мисолида электр юкламаларни хисоблаймиз
Актив юкламани хисоблаймиз

$$P_{xuc} = P_{\dot{y}p} \cdot K_m = 45 \cdot 0,7 = 31,5 \text{ кВт}$$

Реактив юкламани хисоблаймиз

$$Q_{xuc} = P_{xuc} \cdot \operatorname{tg} \varphi; = 31,5 \cdot 0,33 = 10,35 \text{ кВар}$$

Ёритишнинг хисобий актив юкламаси

$$P_{\ddot{e}p} = P_0 \cdot F_u = 12 \cdot 1,313 = 15,8 \text{ кВт}$$

бу ерда F - цехнинг майдони, P₀ - нисбий еритиш куввати

Ёритишнинг хисобий реактив юкламаси

$$Q_{\ddot{e}p} = P_{\ddot{e}p} \cdot \operatorname{tg} \varphi = 15,8 \cdot 0,95 = 15 \text{ кВар}$$

Йигинди хисобий актив юклама

$$P_{\Sigma} = P_{xuc} + P_{\ddot{e}p} = 31,5 + 15,8 = 47,3 \text{ кВт}$$

йигинди хисобий реактив юклама

$$Q_{\Sigma} = Q_{xuc} + Q_{\ddot{e}p} = 10,35 + 15 = 25,35 \text{ кВар}$$

$$\text{Йигинди хисобий юклама: } S_{\Sigma} = \sqrt{P_{\Sigma}^2 + Q_{\Sigma}^2} = \sqrt{47,3^2 + 25,35^2} = 53,5 \text{ кВА}$$

Колган истеъмолчилар учун ҳам хисоблашлар шу тарзда бажарилади ва натижалар 2-жадвалга киритилади

2-ЖАДВАЛ

ЦЕХ НОМИ	Рур кВт	Кс -	Cosφ	P _x кВт	Q _x квар	P _o Вт	F кв.м	Рер кВт	Qер квар	Pхис кВт	Qхис квар	Sхис кВА
Саралаш цехи	120	0,82	0.8	98	74	12	1313	15.8	15.0	114	89	145
Қайта ўраш цехи	110	0,83	0.85	91	57	14	1313	18.4	17.5	110	74	132
Темирчилик устахонаси	140	0,85	0.75	119	105	12	1313	15.8	15.0	135	120	180
Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи	80	0,5	0.86	40	24	12	1313	15.8	15.0	56	39	68
Қозонхона	75	0,6	0.85	45	28	10	1875	18.8	17.8	64	46	78
Ипак йигирув цехи	170	0,82	0.81	139	101	12	938	11.3	10.7	151	112	187
Омбор	15	0,7	0.85	11	7	10	1875	18.8	17.8	29	24	38
Маъмурият биноси	30	0.76	0.82	23	16	16	625	10.0	9.5	33	25	41
Жами				566	410					691	528	871

Заводнинг умумий куввати

$$\Sigma P = 691 \text{ кВт}; \quad \Sigma Q = 528 \text{ квар}; \quad \Sigma S = 871 \text{ кВА}$$

Трансформатордаги актив кувват исрофи

$$\Delta P_{tr} = S_{\Sigma kor} \cdot 0,02 = 871 \cdot 0,02 = 14 \text{ кВт}$$

Трансформатордаги реактив кувват исрофи

$$\Delta Q_{tr} = S_{\Sigma kor} \cdot 0,1 = 871 \cdot 0,1 = 87 \text{ квар}$$

Компенсацияланадиган реактив кувват

$$Q_{ky} = P_{\Sigma kor} (tg \varphi_m - tg \varphi_M); = 691 \cdot (0,89 - 0,33) = 388 \text{ квар}$$

бу ерда $tg \varphi_T$ ва $tg \varphi_M$ - табиий ва мейерий кувват коэффициентлари

$$\text{Бу ерда: } tg \varphi_T = \frac{\sum Q_{\hat{E}B} + \Delta Q_{TP}}{\sum P_{\hat{E}B}} = \frac{528 + 87}{691} = 0,89; \quad tg \varphi_M = 0,33$$

Корхонанинг реактив куввати коплангандан кейинги реактив куввати:

$$\sum Q_{\hat{E}B} = \sum Q + \Delta Q_{TP} - Q_{\hat{E}O} = 528 + 87 - 388 = 227$$

Корхонанинг реактив куввати коплангандан кейинги Тула куввати:

$$\sum S_{\hat{E}B} = \sqrt{\sum P_{\hat{E}B}^2 + \sum Q_{\hat{E}B}^2} = \sqrt{691^2 + 227^2} = 727$$

***Корхонанинг электр юкламалар картограмасини хисоблаш.**

Электр таъминоти тизимини лойихалашда корхонанинг электр юкламалар картограммаси хисобланади. Корхона юкламаларини тасвирий кўринишда корхона бош планида ифодаланиши электр юкламалар картограммаси дейилади. Бунда хар бир цехнинг электр юкламалар доиралар куринишида корхонанинг бош планида курсатилади. Еритиш юкламмаси эса доира ичидаги сектор куринишида берилади. Картограмма оркали корхона худудида юкламалар кандай тартибда таксимланганини аниклаш мумкин. Бу картограммадан асосан бош пасайтирувчи подстанция еки бош таксимлаш ускунасини урнини аниклаш максадида фойдаланилади. Электр юкламалар картограммасида хар бир цехнинг актив истеъмол куввати доира юзасига келтирилади.

$$P_{\Sigma n} = \pi \cdot m \cdot r^2$$

бу ерда m -куватни юзага утказиш коэффиценти (модул) булиб, у куйидагича аникланади: $m = \sqrt{\frac{P_{\Sigma n}}{\pi \cdot r_0^2}}$;

бу ерда r_0 -модулни аниклаш учун куввати асос килиниб олинаетган цехга чизилган доиранинг радиуси. Бунда талаба доираларнинг бир-бири билан кесишмаслиги ва яккол куринишини хисобга олиб куввати асос килиниб олинандиган цехга айлана чизади. Сунгра унинг радиусини хисоблаб модулни хисобланади. Шу модул асосида куйидаги ифода билан хар бир цехнинг истеъмол кувватини ифода этувчи доираларнинг радиуслари

$$\text{аникланади: } r_n = \sqrt{\frac{P_{\Sigma n}}{\pi \cdot m}};$$

Хар бир истеъмолчи цехнинг еритиш юкламаси доирада сектор куринишида ифодаланади. Бу секторнинг бурчаги куйидагича

$$\text{аникланади: } \alpha = \frac{P_{\text{епн}}}{P_{\Sigma n}} \cdot 360^\circ;$$

Электр юкламалар маркази куйидагича аникланади. Корхона худуди чегараси буйлаб тугри бурчакли координаталар системаси утказилади. Хар бир цехнинг X ва Y уклари буйича координаталари аникланади ва 6-жадвалга киритилади. Хар бир цехнинг истеъмол куввати X ва Y координатаси билан купайтирилади ва бу купайтманинг X ўки буйича ва Y ўки бўйича йигиндилари хисобланади.

Корхона юкламаларини корхона бош планида график куринишда ифодалаш электр юкламалар картограммаси дейилади. Бунда электр юкламалар маркази хисобланиб бош таксимлаш ускунаси ўрни аникланади. Юкламалар доиралар шаклида еритиш юкламаси эса сектор куринишида берилади. Кувват модул оркали график куринишга утади $M=0,23$ деб оламиз.

Корхона бош планига координаталар системасини киритамиз ва электр юкламалар марказини хисоблаймиз

Йигинди хисобий кувватни X координатага купайтирамыз

$$P_x = P_{\text{хис}} \cdot X = 270 \cdot 25 = 6749 \text{ кВт} \cdot \text{м}$$

Йигинди хисобий кувватни Y координатага купайтирамыз

$$P_y = P_{\text{хис}} \cdot Y = 270 \cdot 110 = 29695 \text{ кВт} \cdot \text{м}$$

Еритиш сектори бурчаги α ни аниклаймыз

$$\alpha = \frac{P_{\text{ёpn}}}{P_{\Sigma n}} \cdot 360^\circ = (15,8/270) \cdot 360^\circ = 21^\circ$$

Хисобий юклама доирабсининг радиусини хисоблайтмиз

$$r_n = \sqrt{\frac{P_{\Sigma n}}{\pi \cdot m}} = \sqrt{\frac{270}{1 \cdot 3,14}} = 9,1 \text{ м} \quad (r=0,37 \text{ см})$$

Колган цехлар учун ҳам хисоблашлар шундай бажарилади ва хисоблаш натижалари куйидаги жадвалга киритилади.

3-жадвал.

№	Цехнинг номи	P_x , кВт	$P_{\text{ёpn}}$, кВт	X м	Y м	$P_x X$ кВт м	$P_x Y$ кВт м	α град	r м
1.	Саралаш цехи	114	15.8	25	110	2854	12557	50	6
2.	Қайта ўраш цехи	110	18.4	100	110	10968	12064	60	6
3.	Темирчилик устахонаси	135	15.8	200	110	26950	14823	42	7
4.	Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи	56	15.8	300	110	16725	6133	102	4
5.	Қозонхона	64	18.8	75	180	4781	11475	106	5
6.	Ипак йигирув цехи	151	11.3	50	25	7533	3766	27	7
7.	Омбор	29	18.8	250	180	7313	5265	231	3
8.	Маъмурият биноси	33	10.0	250	25	8200	820	110	3
	Жами	691				85323	66902		

Электр юкламалар маркази координаталарини аниклаймиз

$$\tilde{O}_0 = \frac{\Sigma(P_{\Sigma n} \cdot \tilde{O}_n)}{\Sigma P_{\Sigma n}} = \frac{85323}{691} = 123,5 \text{ м}$$

$$Y_0 = \frac{\Sigma(P_{\Sigma n} \cdot Y_n)}{\Sigma P_{\Sigma n}} = \frac{66902}{691} = 96,8 \text{ м}$$

Топилган координаталар асосида электр юкламалар маркази нуктасини корхона бош планида кўрсатамиз. Шу нуктага иложи борица якинрок масофада корхонанинг бош таксимловчи ускунасини урнатамиз.

*ТАШКИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИ ХИСОБЛАШ

Худуднинг ташки электр таъминоти энергосистема боғловчи электр узатиш йули ва бош пасайтирувчи подстанция еки бош таксимлаш ускунасини уз ичига олади. Ташки электр таъминоти хисоблашларни хаво ЭУЙ ни хисоблашдан бошлаймиз. Бунда дастлаб 10 кВ ли хаво ЭУЙни танлаймиз

ЭУЙ нинг хисобий токи

$$I_{\delta\epsilon\tilde{n}} = \frac{S_{p\hat{e}}}{n \cdot \sqrt{3} \cdot U_{\tilde{m}}} = \frac{727}{2 \cdot \sqrt{3} \cdot 10} = 21\text{А};$$

ЭУЙ нинг шикастланиш токи

$$I_{\varnothing} = \frac{S_{p\hat{e}}}{n \cdot \sqrt{3} \cdot U_{\tilde{m}}} = \frac{727}{\sqrt{3} \cdot 10} = 42\text{А};$$

Танланган ЭУЙ нинг паспорт параметрлари

АС- 70; $I_{\text{дд}}=265\text{ А}$; $R_0=0.42\text{ ом/км}$; $X_0=0.4\text{ ом/км}$; $K_0=1,7\text{ м.с./км}$

ЭУЙ нинг кучланиш исрофи

$$\Delta U_{\text{л}} = \sqrt{3} \cdot I_{\text{х}} \cdot (R_0 \cdot \cos \varphi + X_0 \cdot \sin \varphi) \cdot l_{\text{л}} =$$
$$= 1,73 \cdot 21 \cdot (0.42 \cdot 0,95 + 0,4 \cdot 0,31) \cdot 3 = 57\text{В}$$

$$\Delta U\% = \frac{\Delta U_{\epsilon\tilde{e}}}{U_{\tilde{m}}} \cdot 100\% = \frac{57}{10000} \cdot 100\% = 0.57\%;$$

Кучланиш исрофи меъёрий қийматидан ошмаганлиги сабали ҳисоблашларни давом этирамиз ва ташки электр таъминот учун БТУ танлаймиз:

ЭУЙ нинг кувват исрофи

$$\Delta P_{\text{кл}} = 3 \cdot I_{\text{х}}^2 \cdot R_0 \cdot l_{\text{кл}} = 2 \cdot 3 \cdot 21^2 \cdot 0.42 \cdot 3 = 3,3\text{ кВт}$$

Кучланиш исрофининг қиймати мейерий курсаткичдан

кам булгани учун хисоблашларни давом эттирамиз

ЭУЙ нинг техник-иктисодий курсаткичларини хисоблаш

ЭУЙ даги энергия исрофи

$$\Delta A_{\text{эуи}} = \Delta P_{\text{эуи}} \cdot t = 3,3 \cdot 4250 = 14168\text{ кВт соат}$$

ЭУЙ нинг амортизация ажратмаси

$$U_{\text{а}} = K_{\text{эуи}} \cdot \varphi_{\text{а}} = 33 \cdot 0.023 = 0,76\text{ млн сум}$$

ЭУЙ учун амортизация коэффициенти $\varphi_{\text{а}}=0,023$;

ЭУЙ нинг жорий ремонт ва хизмат курсатиш ажратмаси

$$U_{\text{ж}} = K_{\text{эуи}} \cdot \varphi_{\text{ж}} = 33 \cdot 0.004 = 0,13\text{ млн сум}$$

ЭУЙ учун жорий ремонт коэффициенти $\varphi_{\text{ж}}=0,004$;

ЭУЙ исрофлари қиймати

$$\Delta U_{\text{ис}} = \Delta P \cdot \alpha + \Delta A \cdot \beta = 3,3 \cdot 200000 + 14168 \cdot 100 = 2,08\text{ млн сум}$$

бу ерда α -электр энергия туловининг асосий ставкаси жорий йил учун

$\alpha=100000\text{ сум/кВт}$. β -кушимча ставка жорий йил учун $\beta=60\text{ сум/кВт.соат}$

ЭУЙ нинг эксплуатация харажатлари

$$U = U_{\text{а}} + U_{\text{ж}} + \Delta U_{\text{п}} = 0,76 + 0,13 + 2,08 = 2,97\text{ млн сум}$$

ЭУЙ нинг келтирилган йиллик харажатлари

$$З_{эу\dot{y}} = U + K_{эу\dot{y}} \cdot 0,12 = 2,97 + 0,12 \cdot 33 = 6,93 \text{ млн сум}$$

Мавжуд электр таъминоти тизимига кўра бош таксимлаш ускунаси ҳам бош пасайтирувчи подстанция мавжуд эмас. Лекин корхона ички электр таъминотининг иккинчи вариантыда бир неча цех подстанцияли схема кўрилиши мумкин. Шунинг учун бош таксимлаш ускунасини ҳам ҳисоблаймиз. Иккита кириш ва туртта чиқиш линияси бўлган бош таксимлаш ускунаси танлаймиз. БТУ нархи 50,2млн. сўм. БТУ даги исрофларни ҳисобга олинмайди.

БТУ амортизация ажратмалари:

$$U_a = K_{\text{бтк}} \cdot \varphi_a = 50,2 \cdot 0,064 = 3,21 \text{ млн сум}$$

Жорий ремонт ва хизмат курсатиш ажратмаси, $\varphi_a = 0,064$

$$U_{\text{ж}} = K_{\text{бтк}} \cdot \varphi_{\text{ж}} = 50,2 \cdot 0,04 = 2,01 \text{ млн сум}$$

Бу ерда, Жорий ремонт ва хизмат курсатиш ажратмаси, $\varphi_a = 0,064$

БТУ нинг эксплуатация харажатлари

$$U = U_a + U_{\text{ж}} + U_{\text{п}} = 3,21 + 2,01 + 0,00 = 5,22 \text{ млн сум}$$

Келтирилган йиллик харажатлар

$$З = U + K_{\text{бтк}} \cdot 0,12 = 5,22 + 0,12 \cdot 50,2 = 11,24 \text{ млн сум}$$

Олинган натижаларни 4-жадвалга киритиб ташки электр таъминотининг техник иктисодий курсаткичларини аниқлаймиз

4-ЖАДВАЛ

БТУ ҳисоби					
К	U _a	U _{жр}	U _{ис}	И	З
50.2	3.21	2.008	0.000	5.220	11.24

5-ЖАДВАЛ

ТАШКИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИНГ ТЕХНИК-ИКТИСОДИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ

Ташки электр таъминот техник иктисодий курсаткичи							
		К	U _a	U _{жр}	U _{ис}	И	З
	ЭУЙ	33	0.76	0.13	2.08	2.97	6.93
	БТУ	50.2	3.21	2.01	0.00	5.22	11.24
		83.2	3.97	2.14	2.08	8.19	18.18

***КОРХОНАНИНГ ИЧКИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИ ХИСОБЛАШ**

Корхонанинг ички электр таъминоти тизими корхона худудидаги юкори ва паст кучланишли кабел йўллари, ҳамда цех трансформатор подстанциялари ва таксимлаш пунктларини ўз ичига олади. Дастлаб корхонанинг электр таъминотидаги цех подстанцияларининг юкламалари ва кабел йўллари схемаларини танланади. Берилган топшириқга асосан электр таъминотининг иккита вариантыни таклиф этамиз. Бунда куйидаги талабларни ҳисобга оламиз:

1. Электр истеъмолчиларни энергия таъминотининг узлуксизлиги буйича ишончлилиги категорияси таъминланиши керак.

2. Электр узатиш йўлларида кувват ва кучланиш исрофи мейерий курсаткичлардан ошмаслиги керак.

3. Минимал техник-иктисодий курсаткичлар таъминланиши лозим.

Электр таъминотининг ишончлилиги радиал еки магистрал электр тармоқлардан фойдаланиб таъминланади. Бундан ташқари икки трансформаторли подстанциялардан фойдаланилади. I ва II категория истеъмолчилари икки мустақил манбадан таъминланиши керак.

Кучланиш исрофи буйича куйидаги талаб куйилади: бош пасайтирувчи станциядан то истеъмолчигача йигинди кучланиш исрофи 5 % дан ошмаслиги лозим. Агар бу талаб бажарилмаса тармоқ кучланиши оширилади еки кабел йулининг кундаланг кесим юзаси каттарок килиб олинади.

Тахминий техник-иктисодий курсаткичлар вариант танлаш пайтида куйидагича топилади: кабел йўллариининг умумий узунликлари аниқланиб, маълумотномадан нархлари аниқланади ва шу нархлар асосида келтирилган йиллик харажатлар ва бошқа техник иктисодий курсаткичлар аниқланади. Электр таъминоти схемасининг биринчи вариантыда одатда корхонанинг мавжуд электр таъминоти схемаси кўриб чиқилади. Бунда барча истеъмолчилар бевоста бош пасайтирувчи подстанцияга еки бош таксимловчи курилмага уланади. Иккинчи вариантда эса таклиф этиладиган вариант схемаси кўриб чиқилади.

Корхонанинг ички электр таъминотини ҳисоблаш бош таксимлаш ускунасидан то цех таксимлаш ускуналаригача булган тармоқларни ва цех подстанцияларини ҳисоблашни ўз ичига олади. Корхонанинг ички электр таъминоти икки вариантда кўриб чиқамиз.

Цех подстанцияларини ҳисоблаш.

Корхонанинг ички электр таъминоти тизими цех подстанцияларига трансформаторлари юкламаларини ҳисоблашдан бошланади. Бунда захирада булган трансформаторлар сони иккитадан ортиқ булмаслиги лозим. Яъни Цех подстанцияларидаги трансформаторларнинг куввати факат икки хил булиши мумкин. Шу меъзонга асосланиб цех юкламалари гуруҳланади ва одатда куввати катта булган цехларга цех подстанциялари урнатилади.

Корхона ички электр таъминотининг биринчи вариантыда куйидаги электр таъминоти схемасини кўриб чиқамиз.

Цех подстанцияларининг трансформаторлари куввати юкланиш коэффициенти орқали ҳисобланади: Унга кура I-категория истеъмолчилари учун $\beta=0,65-0,75$,

2-категория учун $\beta = 0,75-0,85$, ва 3-категория учун эса $\beta = 0,85-0,95$ ораликда булиши керак. Подстанциялардаги трансформаторларни юкланиш коэффициентини куйидаги ифодадан аникланади:

$$\beta = \frac{S_{ЮК}}{n \cdot S_{HT}}$$

Юкланиш коэффициентини меъерий кийматига тугри келган трансформатор номинал куввати аникланади. Цех подстанцияларини истемолчиларини куйидагича гурухлаймиз:

ТП-1 1,2,5,7– цех; ТП-2 3,4,6,8– цех;

ТП-2 4,6– цех;

$$P_{тп2} = P_1 + P_2 + P_5 + P_7 = 317 \text{ кВт};$$

$$Q_{тп2} = Q_1 + Q_2 + Q_5 + Q_7 = 233 \text{ Вар};$$

Трансформаторни типини реактив кувватни коплангандан кейин якуний танлаймиз. Копловчи ускуналарни хисобий куввати куйидаги ифодадан аникланади:

$$Q_{\epsilon o} = P_{\Sigma \epsilon i} (\operatorname{tg} \varphi_o - \operatorname{tg} \varphi_i) = 317 \cdot (0,73 - 0,328) = 128 \text{ в.кВ.А};$$

бу ерда $\operatorname{tg} \varphi_m$ -цех подстанциясининг табиий кувват коэффициентига мос келувчи $\operatorname{tg} \varphi$ булиб, унинг киймати куйидаги ифодадан топилади:

$$\operatorname{tg} \varphi_o = \frac{Q_{oi}}{P_{oi}} = \frac{233}{317} = 0,73;$$

Корхонанинг меъерий кувват коэффициенти $\cos \varphi_m = 0,95$ булиб у $\operatorname{tg} \varphi_m = 0,328$ кийматига тугри келади.

Копланадиган кувватнинг хисобий кийматига караб куввати 40 квар булган ККУ-0,38-1 конденсаторли коповчи ускунадан 3 та танлаймиз. Цех подстанциясининг реактив кувватни коплаганда кейинги умумий тула куввати:

$$S'_{oi} = \sqrt{P_{oi}^2 + (Q_{oi} - Q_{\epsilon o})^2} = \sqrt{317^2 + (233 - 128)^2} = 334 \text{ в.кВ.А};$$

бу ерда Q_{ky} -коповчи курилмалар йигинди куввати, кВар.

$$\beta = \frac{S_{PE}}{n \cdot S_{Ю}} = \frac{334}{2 \cdot 250} = 0,7$$

Трансформатордаги исрофлар куйидагича хисобланади: актив кувват исрофи:

$$\Delta P_{OD} = n \cdot (\Delta P_{\epsilon} \cdot \beta^2 + \Delta P_0) = 2 \cdot (3,7 \cdot 0,7^2 + 0,8) = 5,6 \text{ кВт};$$

Трансформаторлардаги энергия исрофи куйидаги ифодадан хисобланади:

$$\begin{aligned} \Delta A_{OD} &= n \cdot (\Delta P_{\epsilon} \cdot \beta^2 \cdot \tau + \Delta P_0 \cdot \hat{O}_{\hat{a} \hat{e} \hat{e}}) = \\ &= 2 \cdot (3,7 \cdot 0,7^2 \cdot 4250 + 0,8 \cdot 8760) = 281,6 \text{ кВт.ч}; \end{aligned}$$

Цех подстанцияларини танлаш хисоблари натижаларини 6-жадвалга ёзамиз.

6-жадвал

Т П номер	Трансформатор сони, типи	Ррас кВт	Qрас кВар	Срас кВА	β -	Рк кВт	Ро кВт	Uк %	Io %	К Млн.с
ТП-1	2ХТМ-250/10	317	233	334	0.7	3.7	0.8	4.5	2.3	38,5
ТП-2	2ХТМ-250/10	374	296	394	0.8	3.7	0.8	4.5	2.3	38,5
Жами										77

Реактив кувватни коплашга оид натижалар куйидаги 7-жадвалга киритилади.
7-ЖАДВАЛ

Т П номери	Трансформатор сони, типи	Qку кВар	Копловчи ус куна типи	$\Delta P_{ис}$ кВт	Атр МВт с
ТП-1	2ХТМ-250/10	128	ККУ-0.38-1 3x 40 кВар	5	28
ТП-2	2ХТМ-250/10	172	ККУ-0.38-1 2x 80 кВар	6.2	34
ЖАМИ:				11,1	62

Цех подстанциясининг техник-иктисодий курсаткичлари барча подстанцияларнинг исрофлари ва нархлари йигиндиси асосида бир марта хисобланади. Бу кийматлар 6- жадвалдан олинади.

исрофлар нархи:

$$\Delta U_{ис} = \Delta P \cdot \alpha + \Delta A \cdot \beta = 11.1 \cdot 200000 + 62000 \cdot 100 = 8.37 \text{ млн.сум};$$

амортизация ажратмаси:

$$U_a = K_{mn} \cdot \varphi_a = 77 \cdot 0,064 = 4.93 \text{ млн.сум};$$

бу ерда м - жорий ремонт ажратмаси булиб кучланиши 10 кВ трансформаторлар учун м =0,064;

жорий ремонт ажратмаси:

$$U_{жр} = K_{mn} \cdot \varphi_{жр} = 77 \cdot 0,04 = 3.08 \text{ млн.сум};$$

бу ерда м - жорий ремонт ажратмаси булиб кучланиши 10 кВ трансформаторлар учун м =0,04;

йиллик ажратмалар

$$U = \Delta U_{ис} + U_a + U_{жр} = 8,37 + 4,93 + 3,08 = 16,4 \text{ млн.сўм}$$

Цех подстанцияларининг келтирилган йиллик харажатлари:

$$Z_{nc} = U + E_n \cdot \Sigma K_{nc} = 16,4 + 0,12 \cdot 77 = 25,62 \text{ млн.сўм.}$$

хисоблаш натижалари қуйидаги 8-жадвалга киритилган:

8-жадвал.

Ускуна номи	К млн.сум	U _a млн.сум	U _ж млн сум	U _{ис} млн сум	U млн сум	З млн сум
Т П	77	4.93	3.08	8.37	16.4	25.62

Кабел йулларини хисоблаш.

Корхонанинг ички электр таъминотини лойиҳалашда кабел йуллари рухсат этилган кизиш меъзони асосида танланади. Бунда кабел йули истемолчиларини йигинди юкламаси асосида хисобий ва шикастланиш токи аникланади. Кабелнинг рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта бўлиши керак. Масалан КЛ-1 кабел йули учун истемолчи сифатида ТП-1 еки 1- цех бўлгани учун кабел йулининг умумий куввати шу цехнинг кувватидан иборат бўлади. Цех подстанцияларгача бўлган юкори кучланишли кабел йулларда реактив куввати копланган кувват окгани учун кабел йулидаги кувват ТП-1 нинг тула кувватига тенг бўлади. Яъни

$$S_{кл1} = S_{тп1}$$

Кабел йулининг хисобий токи:

Радиал линиялар учун хисобий ва шикастланиш токлари қуйидагига хисобланади:

$$I_{\delta\epsilon\eta} = \frac{S_{p\epsilon}}{n \cdot \sqrt{3} \cdot U_{\text{ин}}} = \frac{334}{2 \cdot \sqrt{3} \cdot 10} = 9.63 \text{ А};$$

Шикастланиш токи параллел линиялардан бири узилган хол учун хисобланади:

$$I_{\delta\epsilon\eta.\alpha\alpha} = \frac{S_{p\epsilon}}{\sqrt{3} \cdot U_{\text{ин}}} = \frac{334}{\sqrt{3} \cdot 10} = 19.26 \text{ А};$$

бу ерда $S_{\text{юк-1}}$ -цехнинг тўла юкламаси, n-параллел линиялар сони.

Танланган ЭУЙ симининг рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта бўлиши керак. Маълумотномадан шу кийматга якин ва катта кесим юзасини танлаймиз. Симнинг типи, кесим юзаси, актив ва реактив солиштирма қаршилиги езиб оламиз.

Кабел йўли типи: АСБ-ЗХ50

Солиштирма қаршилиги: $R_0=0,62 \text{ ом/км};$

Рухсат этилган давомий токи: $I_{\text{дд}}=165 \text{ А};$

Солиштирма нархи: $K_0=20,58 \text{ млн.сум/км.}$

Хисобланаётган кабел йўли учун шикастланиш токи хисобланади ва симнинг рухсат этилган давомли токи билан таккосланади. Шикастланиш токи шу линиядан оқиб утиши мумкин бўлган энг катта кувват оқими билан хисобланади.

Кабел йўллари токлари хисоблаш бўйича натижалар куйидаги жадвалда келтирилган.

9-жадвал.

N	КЙ номери	Истемолчи цехла	Uном КВ	Ркл кВт	Qкл кВар	Скл кВА	Ipас А	Iав А
1	КЙ- 1	БТУ-ТП1	10000	317	233	334	9.63	19.26
2	КЙ- 2	БТУ-ТП2	10000	374	296	394	11.37	22.74
3	КЙ- 3	ТП1 -РП1	400	110	74	132	95	191
4	КЙ- 4	ТП1 -РП4	400	64	46	78	57	113
5	КЙ- 5	ТП1 -РП5	400	29	24	38	27	55
6	КЙ- 6	ТП2 -РП2	400	135	120	180	130	260
7	КЙ- 7	ТП2 -РП3	400	56	39	68	49	98
8	КЙ- 8	ТП2 -РП6	400	33	25	41	30	60
	Жами							

Линиянинг актив ва реактив каршиликлари куйидагича хисобланади:

$$R_{\text{л}} = R_0 \cdot L_{\text{л}}; = 0,62 \cdot 0,15 = 0,093 \text{ ом};$$

Олинган натижалар асосида ЭУИ даги кувват ва кучланиш исрофлари хисобланади.

Актив кувват исрофи:

$$\Delta P_{\text{л}} = 3 \cdot I_{\text{x}}^2 \cdot R_0 \cdot l_{\text{л}} = 3 \cdot 9,63^2 \cdot 0,62 \cdot 0,15 = 0,026 \text{ кВт}$$

Кучланиш исрофи:

Кучланиш исрофининг фоиз миқдори:

$$\Delta U_{\text{л}} = n \cdot \sqrt{3} \cdot I_{\text{x}} \cdot (R_0 \cdot \cos \varphi + X_0 \cdot \sin \varphi) \cdot l_{\text{л}};$$

$$= 2 \cdot 1,73 \cdot 9,63 \cdot (0,62 \cdot 0,95 + 0,09 \cdot 0,313) \cdot 0,15 = 3,59 \text{ В.}$$

Кучланиш исрофининг нисбий киймати:

$$\Delta U\% = \frac{\Delta U_{\text{л}}}{U_{\text{н}}} \cdot 100\% = \frac{3,59}{10000} \cdot 100\% = 0,036\%;$$

Кабел йўллари техник иқтисодий кўрсаткичларини барча кабеллар учун бир марта хисоблаймиз. Кабел йўллари исрофларини 10–жадвалдан олиб хисоблаймиз.

Кабел йўлларида энергия исрофи:

$$\Delta A_{\text{кл}} = \Delta P_{\text{кл}} \cdot t = 2,992 \cdot 4250 = 12718 \text{ кВт} \cdot \text{соат.}$$

Кабел йўлларидаги энергия исрофининг киймати:

$$\Delta U_{\text{ис}} = \Delta P \cdot \alpha + \Delta A \cdot \beta = 2,992 \cdot 200000 + 12718 \cdot 100 = 1,87 \text{ млн. сўм.}$$

Кабел йўлларининг амортизация ажратмаси

$$U_a = K_{\text{кй}} \cdot \varphi_a = 15,17 \cdot 0,023 = 2,99 \text{ млн.сўм.}$$

бу ерда φ_a -амортизация ажратмаси коэффиценти булиб, кучланиши 10 кВ кабел йуллари учун $m = 0,023$; K -кабел йули нархи.

Жорий ремонт ажратмаси:

$$U_{\text{жр}} = K_{\text{эуи}} \cdot \varphi_{\text{жр}} = 15,7 \cdot 0,02 = 3,0 \text{ млн сўм.}$$

бу ерда φ_a -жорий ремонт ажратмаси булиб кучланиши 10 кВ КЛ учун $\varphi_a = 0,02$;

Ииллик ажратмалар:

$$U = \Delta U_{\text{ис}} + U_a + U_{\text{жр}} = 1,87 + 2,99 + 0,3 = 2,52 \text{ млн. сўм.}$$

Кабел йўлларининг келтирилган йиллик харажатлари:

$$З_{\text{кл}} = U + E_n \cdot \Sigma K_{\text{кл}} = 2,52 + 0,12 \cdot 15,17 = 4,34 \text{ млн. сўм.}$$

КАБЕЛ ЙЎЛЛАРИНИ ХИСОБЛАШ

10-ЖАДВАЛ

Истемолчи Цехлар	Iав А	Iдд А	Кабел кесим юзаси ва типи	Ro ом	Lкл Км	Rкл ом	ΔРл кВт	ΔU% %	Ко Млн	Кл млн
БТУ-ТП1	19.26	165	2хАСБ-3х50	0.62	0.15				20.58	
						0.093	0.026	0.036		3.09
БТУ-ТП2	22.74	165	2хАСБ-3х50	0.62	0.11				20.58	
						0.068	0.026	0.031		2.26
ТП1 -РП1	191	200	2хАСБ- 3х70+1х35	0.44	0.08				17.685	
						0.035	0.963	3.926		1.41
ТП1 -РП4	113	200	2хАСБ- 3х70+1х35	0.44	0.07				17.685	
						0.031	0.296	2.045		1.24
ТП1 -РП5	55	200	2хАСБ- 3х70+1х35	0.44	0.25				17.685	
						0.03	0.068	2.104		4.42
ТП2 -РП2	260	450	2хААШВ- 3х185+1х50	0.12	0.06				21.372	
						0.026	1.342	4.062		1.28
ТП2 -РП3	98	200	2хАСБ- 3х70+1х35	0.44	0.08				17.685	
						0.035	0.253	2.017		1.41
ТП2 -РП6	60	200	2хАСБ- 3х70+1х35	0.44	0.015				17.685	
						0.007	0.018	0.233		0.05
ЖАМИ					0.815		2.992		150.957	15.17

Кабел йўлларининг техник иктисодий кўрсаткичларини куйидаги жадвалга киритамиз.

11-жадвал

Усуна Номи	К млн.сум	Рис кВт	Ua млн.сум	Uж млн сум	Uис млн сум	U млн сум	З млн Сум
К Й	15.17	2.99	0.35	0.30	1.87	2.52	4.34

Цех подстанцияларнинг умумий келтирилган йиллик харажатлари билан кабел йўлларининг умумий йиллик харажатларини кушиб ички электр таъинотининг 2-вариантининг умумий йиллик келтирилган харажатлари хисобланиб 12-жадвалга киритилади.

2-Вариантнинг техник-иктисодий курсаткичлари

12-жадвал

	К	ΔРтр	Ua	Uжр	Uис	И	З
ТП	77	11.08	4.93	3.08	8.37	16.4	25.62
КЛ	15.17	2.99	0.35	0.30	1.87	2.52	4.34
Жами	92.2	14.08	5.28	3.383	10.2	18.9	29.96

***КОРХОНА ИЧКИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИНГ II - ВАРИАНТИ.**

II-вариантнинг ҳисоблашлари ҳам худди шу тарзда бажарилади(яъни цехларнинг қуввати катта бўлгани учун улардаги ТП лар ҳисобланмайди) ва вариантларнинг техник иктисодий курсаткичлари солиштирилиб ҳар томонлама афзал вариант аникланади.

Шунинг учун бу ҳисоблашлар батафсил келтирилмайди ва фақат натижалар жадваллар қуринишида келтирилади. Корхонанинг ички электр таъминотининг оптимал схемаси вариантларни техник иктисодий курсаткичларини таққослаш орқали аникланади.

ТП-1 1, 2– цех; ТП-2 3,4,6,7,8– цех;

ТП-1 1,2– цех;

$$P_{\text{ТП1}} = P_1 + P_2 = 224 \text{ кВт};$$

$$Q_{\text{ТП1}} = Q_1 + Q_2 = 163 \text{ кВар};$$

Трансформаторни типини реактив қувватни коплангандан кейин яқуний танлаймиз. Копловчи ускуналарни ҳисобий қуввати қуйидаги ифодадан аникланади:

$$Q_{\text{ёо}} = D_{\Sigma \text{ёиё}} (\text{tg } \varphi_{\text{ё}} - \text{tg } \varphi_{\text{и}}) = 224 \cdot (0.7 - 0.328) = 89 \text{ ёаёё};$$

бу ерда $\text{tg } \varphi_{\text{м}}$ -цех подстанциясининг табиий қувват коэффициентига мос келувчи $\text{tg } \varphi$ булиб, унинг қиймати қуйидаги ифодадан топилади:

$$\text{tg } \varphi_{\text{ё}} = \frac{Q_{\text{ёи}}}{D_{\text{ёи}}} = \frac{163}{224} = 0.7;$$

Корхонанинг мейерий қувват коэффициенти $\cos \varphi_{\text{м}} = 0.95$ булиб у $\text{tg } \varphi_{\text{м}} = 0.328$ қийматига тугри келади.

Копланадиган қувватнинг ҳисобий қийматига қараб қуввати 40 квар булган ККУ-0,38-1 конденсаторли коповчи ускунадан 2 та танлаймиз. Цех подстанциясининг реактив қувватни коплаганда кейинги умумий тула қуввати:

$$S'_{\text{ёи}} = \sqrt{P_{\text{ёи}}^2 + (Q_{\text{ёи}} - Q_{\text{ёо}})^2} = \sqrt{224^2 + (163 - 89)^2} = 236 \text{ ёАё};$$

бу ерда $Q_{\text{ку}}$ -коповчи қурилмалар йигинди қуввати, кВар.

$$\beta = \frac{S_{\text{ёё}}}{n \cdot S_{\text{ёо}}} = \frac{224}{2 \cdot 250} = 0.5$$

Трансформатордаги исрофлар қуйидагича ҳисобланади: актив қувват исрофи:

$$\Delta D_{\text{оё}} = n \cdot (\Delta P_{\text{ё}} \cdot \beta^2 + \Delta D_0) = 2 \cdot (3.7 \cdot 0.5^2 + 0.8) = 3 \text{ ёАё};$$

Трансформаторлардаги энергия исрофи қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \Delta A_{\text{оё}} &= n \cdot (\Delta P_{\text{ё}} \cdot \beta^2 \cdot \tau + \Delta D_0 \cdot \dot{O}_{\text{аёё}}) = \\ &= 2 \cdot (3.7 \cdot 0.5^2 \cdot 4250 + 0.8 \cdot 8760) = 21 \text{ ёАё} \cdot \text{ёаёё}; \end{aligned}$$

Цех подстанцияларини танлаш хисоблари натижаларини 13-жадвалга ёзамиз.

13-жадвал

Т П номер	Трансформатор сони, типи	Ррас кВт	Qрас кВар	Срас кВА	β -	Рк кВт	Ро кВт	Uк %	Io %	К Млн.с
ТП-1	2ХТМ-250/10	224	163	236	0.5	3.7	0.8	4.5	2.3	38,5
ТП-2	2ХТМ-400/10	467	366	492	0.6	5.5	1.1	4.5	2.1	62,7
Жами										

Реактив кувватни коплашга оид натижалар куйидаги 14-жадвалга киритилади.

14-ЖАДВАЛ

Т П номери	Трансформатор сони, типи	Qку кВар	Копловчи ус куна типи	$\Delta P_{ис}$ кВт	Атр МВт с
ТП-1	2ХТМ-250/10	89	ККУ-0.38-1 3х 20 кВар	3	21
ТП-2	2ХТМ-400/10	212	ККУ-0.38-1 3х 80 кВар	6.36	37
ЖАМИ:				9.6	58

Цех подстанциясининг техник-иктисодий курсаткичлари барча подстанцияларнинг исрофлари ва нархлари йигиндиси асосида бир марта хисобланади. Бу кийматлар 6- жадвалдан олинади.

исрофлар нархи:

$$\Delta U_{ис} = \Delta P \cdot \alpha + \Delta A \cdot \beta = 9.6 \cdot 200000 + 58000 \cdot 100 = 7.71 \text{ млн.сум};$$

амортизация ажратмаси:

$$U_a = K_{mn} \cdot \varphi_a = 101.2 \cdot 0,064 = 6.48 \text{ млн.сум};$$

бу ерда U_a - жорий ремонт ажратмаси булиб кучланиши 10 кВ

трансформаторлар учун $U_a = 0,064$;

жорий ремонт ажратмаси:

$$U_{жр} = K_{mn} \cdot \varphi_{жр} = 101.2 \cdot 0,04 = 4.048 \text{ млн.сум};$$

бу ерда $U_{жр}$ - жорий ремонт ажратмаси булиб кучланиши 10 кВ

трансформаторлар учун $U_{жр} = 0,04$;

йиллик ажратмалар

$$U = \Delta U_{ис} + U_a + U_{жр} = 7,71 + 6,48 + 4,048 = 18,2 \text{ млн.сўм}$$

Цех подстанцияларининг келтирилган йиллик харажатлари:

$$Z_{nc} = U + E_n \cdot \Sigma K_{nc} = 18,2 + 0,12 \cdot 101,2 = 30,38 \text{ млн.сўм.}$$

хисоблаш натижалари куйидаги 15-жадвалга киритилган:

Ускуна номи	К млн.сум	Ua млн.сум	Uж млн сум	Uис млн сум	U млн сум	З млн сум
Т П	101,2	6.48	4.048	7.71	18.2	30.38

Кабел йуллари хисоблаш.

Корхонанинг ички электр таъминотини лойихалашда кабел йуллари рухсат этилган кизиш меъзони асосида танланади. Бунда кабел йули истемолчиларини йигинди юкламаси асосида хисобий ва шикастланиш токи аникланади. Кабелнинг рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта булиши керак. Масалан КЛ-1 кабел йули учун истемолчи сифатида ТП-1 еки 1- цех булгани учун кабел йулининг умумий куввати шу цехнинг кувватидан иборат булади. Цех подстанцияларгача булган юкори кучланишли кабел йулларда реактив куввати копланган кувват окгани учун кабел йулидаги кувват ТП-1 нинг тула кувватига тенг булади. Яъни

$$S_{кл1} = S_{тп1}$$

Кабел йулининг хисобий токи:

Радиал линиялар учун хисобий ва шикастланиш токлари куйидагига хисобланади:

$$I_{\text{оёғ}} = \frac{S_{pe}}{n \cdot \sqrt{3} \cdot U_{\text{ин}}} = \frac{236}{2 \cdot \sqrt{3} \cdot 10} = 6.8 \text{ A};$$

Шикастланиш токи параллел линиялардан бири узилган хол учун хисобланади:

$$I_{\text{оёғ.аа}} = \frac{S_{pe}}{\sqrt{3} \cdot U_{\text{ин}}} = \frac{236}{\sqrt{3} \cdot 10} = 13.6 \text{ A};$$

бу ерда $S_{\text{юк-1}}$ -цехнинг тўла юкламаси, n-параллел линиялар сони.

Танланган ЭУЙ симининг рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта булиши керак. Маълумотномадан шу кийматга якин ва катта кесим юзасини танлаймиз. Симнинг типи, кесим юзаси, актив ва реактив солиштирма каршилиги езиб оламиз.

Кабел йўли типи: АСБ-ЗХ50

Солиштирма каршилиги: $R_0=0,62$ ом/км;

Рухсат этилган давомий токи: $I_{\text{дд}}=165$ А;

Солиштирма нархи: $K_0=20,58$ млн.сум/км.

Хисобланаётган кабел йўли учун шикастланиш токи хисобланади ва симнинг рухсат этилган давомли токи билан таккосланади. Шикастланиш токи шу линиядан окиб утиши мумкин булган энг катта кувват окими билан хисобланади.

16-жадвал.

N	КЙ номери	Истемолчи цехла	Уном КВ	Ркл кВт	Qкл кВар	Скл кВА	Ирас А	Иав А
1	КЙ- 1	БТУ-ТП1	10000	224	163	236	6.8	13.6
2	КЙ- 2	БТУ-ТП2	10000	467	366	492	14	28
3	КЙ- 3	ТП1 -РП1	400	110	74	132	95	191
4	КЙ- 4	ТП2 -РП4	400	64	46	78	57	113
5	КЙ- 5	ТП2 -РП2	400	135	120	180	130	260
6	КЙ- 6	ТП2 -РП3	400	56	39	68	49	98
7	КЙ- 7	ТП2 -РП5	400	29	24	38	27	55
8	КЙ- 8	ТП2 -РП6	400	33	25	41	30	60
	Жами							

Линиянинг актив ва реактив каршиликлари куйидагича хисобланади:

$$R_{\text{л}} = R_0 \cdot L_{\text{л}}; = 0,62 \cdot 0,15 = 0,093 \text{ ом};$$

Олинган натижалар асосида ЭУИ даги кувват ва кучланиш исрофлари хисобланади.

Актив кувват исрофи:

$$\Delta P_{\text{л}} = 3 \cdot I_{\text{х}}^2 \cdot R_0 \cdot l_{\text{л}} = 3 \cdot 6,8^2 \cdot 0,62 \cdot 0,15 = 0,01 \text{ кВт}$$

